



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2026 йил 31 март, № 61 (9232)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ БЕҚАРОР ВАЗИЯТНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга 2026 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий кўрсаткичлар прогнозини таъминлаш ҳамда жаҳон бозоридаги беқарор вазиятнинг миллий иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш юзасидан ахборот берилди.

Жорий йилнинг биринчи икки ойда саноат 7,7 фоизга, хизматлар 15,4 фоизга ўсди, 3,5 миллиард долларлик экспорт амалга оширилди ва 8,3 миллиард доллар хоржий инвестиция жалб қилинди.

Ил бошидан 9 та вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга республика бюджетидан қўшимча 2,3 триллион сўм ва 500 миллион доллар маблағ йўналтирилди. “Янги Ўзбекистон қиёфаси” мақоми берилган 33 та туман ва 330 та маҳалла учун маҳаллий бюджетларга 3,9 триллион сўм ажратилди. Оғир тоифадаги 37 та туман ва 903 та маҳаллага жами 3,9 триллион сўм ҳамда маҳаллий бюджетлардан 1,3 триллион сўм, 283 та “драйвер” лойиҳага биринчи босқичда 1 триллион сўм ажратилди.

Ил якунига қадар гавжум кўчалар, соҳилбўйи ва йўлбўйи инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун жами 1,2 триллион сўм, туризм салоҳияти юқори бўлган 150 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун 450 миллиард сўм, 400 та маҳаллада 50 та микро-

саноат марказини ташкил қилиш учун 150 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, қисқа вақт ичида дунёдаги вазият кескин ўзгариб, иқтисодиёт тармоқлари барқарорлиги, ташқи савдо йўлаклари ва импорт нархларига қўшимча босим юзага келтирилгани таъкидланди. Бундай шароитда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари вазиятни олдиндан баҳолаб, турли сценарийлар асосида проактив ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Инфляцияни жорий йилда 6-6,5 фоиз доирасида сақлаб қолиш энг муҳим вазифалардан бири эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, жаҳон бозорида нефть нархининг кескин қимматлаши транспорт ва нефть-кимё маҳсулотлари таннархига таъсир кўрсатаётгани, полиэтилен ва полипропилен нархларида ҳам ўсиш кузатилаётгани айтилди. Шу боис асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг импорти, транспорт-логистика масалалари ва муқобил йўлақлардан фойдала-

ниш бўйича тезкор чоралар кўриш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг хомашё, бозор ва кредит билан боғлиқ муаммоларини ҳозирдан ҳал этиш муҳимлиги таъкидланди.

Экспортчилар томонидан кўтарилаётган асосий масалалардан бири транспорт-логистика экани, жаҳонда рўй бераётган воқеалар таъсирида экспорт юк ташишларида узилтирилган ва қимматлашув жиддий хавотир уйғотаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан қўшни давлатлар билан транспорт ва савдо масалалари бўйича яқин ҳамкорликни кучайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини авиаташув орқали экспорт қилиш ва тадбиркорлар учун арзонлаштирилган тарифларни жорий этиш чораларини кўриш топширилди.

Хоржий инвестициялар масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Таҳликали халқаро вазият айрим лойиҳалар ижросига таъсир кўрсатиши мумкинлиги билдирилди. Шу муносабат билан амалга

оширилаётган ҳар бир лойиҳани мунтазам таҳлил қилиб бориш ва инвесторлар билан кунлик мулоқот ўрнатиш вазифаси белгиланди.

Банк-молия соҳасида бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредитлар динамикаси ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари жорий рақамлар ижобий бўлишига қарамастан, ҳеч бир раҳбар хотиржамликка берилиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Ҳозирги мураккаб вазиятда хавф-хатарларни олдиндан кўра билиш, уларни юмшатиш бўйича аниқ режалар билан ишлаш, тармоқлар ва ҳудудларда муаммоларни кутиб ўтирмасдан, уларга тезкор ечим топиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Масъулларга инфляцияни жиловлаш, саноат ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини жаддалаштириш, банк тизими ва қурилиш дастурларидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ў.А.

Муносабат

МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ДЎСТЛИК



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар умумий тарихий илдизлар ҳамда муштарак қадриятларга таянади. Шу жиҳатдан бу алоқалар узок йиллик ишонч, ҳурмат ва яхши қўшничилик аъналарига асосланган мустақкам тизимдир.

Тожикистон Президентининг юртимизга давлат ташири чоғида 26 март куни имзоланган шартномалар муносабатларнинг янги сифат босқичини белгилаб берди.

Айниқса, икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан ўтказилган Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу формат, одатда, энг юқори даражадаги стратегик ва сиёсий ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун тузиладиган юқори даражали маслаҳатчи органдир. Ушбу кенгаш доирасида сиёсий ишонч мустақамлашиб, иқтисодий лойиҳалар мувофиқлаштирилмоқда, хавфсизлик ва барқарорлик масалалари тизимли ҳал этилмоқда.



Учрашув

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР РЎЁБИГА КЕНГ ЙЎЛ



Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева стартп лойиҳалар бўйича иш олиб бораётган ташаббускор ёшлар билан учрашув ўтказди.

Очик ва самимий кечган мулоқотда мамлакатимизда стартп экотизимини ривожлантириш, ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йил 11 февраль куни Президентимизнинг стартпларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тегишли қарорининг қабул қилиниши ушбу йўналишда муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат нафақат имтиёзлар тизимини кенгайтиради, балки ёшларнинг инновацион ғояларига давлат даражасида ишонч ва катта имкониятлар эшигини очди.

Қарорга мувофиқ 2030 йилга қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган стартплар сонини 5 мингга етказиш мақсади белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда қўнунчилик органи сифатида Сенатнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбирда HR, таълим ва маркетинг со-

ҳаларида фаолият юритаётган стартпчилар ўз лойиҳаларини тақдим қилиб, амалий тақлифларини билдирди. Хусусан, ижтимоий йўналишдаги ҳамда репродуктив саломатликка оид ташаббуслар алоҳида эътиборга олинди.

Шунингдек, стартпчилар дуч келаётган асосий муаммолар, жумладан, молиялаштириш, бозорга чиқиш ва бюрократик тўсиқларни қўсқатириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ёшлар парламенти ва стартпчилар ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида “Digital Leadership Program” (Рақамли етакчилик дастури)ни ташкил этишга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Фракциялар ҳаёти

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қўнун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Маҳсулотлар экспорти кенгайтирилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз таклифига биноан 26-27 март кунлари Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга давлат таширининг аҳамияти ҳақида сўз борди.

Депутатлар савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш бўйича эришилган келишувларга алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, 2030 йилгача ўзаро савдо ҳажмининг сезиларли ошириш режалари муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Фракция раҳбари Ақтам Ҳайтов мазкур

ташири икки томонлама ҳамкорликнинг амалий иқтисодий кооперация ва узок муддатли тараққиётга йўналтирилган сифат жиҳатдан янги моделини яратишда муҳим босқич бўлганини урғулади.

Эришилган келишувлар Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида янги суръат бағишлаши, бу эса мамлакатлар тараққиёти ва халқларимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

Йиғилишда “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига экспорт тартиб-таомилларини Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қўнун лойиҳаси кўриб чиқилди.



Сенаторлар — ҳудудларда

ҚАШҚАДАРЁДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ ШАКЛАНТИРИЛЯПТИ?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси парламент назорати доирасида Қашқадарё вилоятининг “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман” мақоми берилган Қамаш ва Яккабоғ туманларида аҳолининг яшashi ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун зарур инфратузилмани яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганди.

Ўрганиш натижалари қўмита ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашнинг қўшма мажлисида атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман” мақоми берилган ҳудудларни янги босқичга олиб чиқиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Ўрганиш натижаларига кўра, 2025 йилда вилоятда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши кузатирилган, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқарти-

риш борасида муайян натижаларга эришилган.

Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш дастурининг ижроси доирасида 578 минг кишининг бандлиги таъминланган, 29,6 минг ишсиз аҳоли касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилган. Ил бошидан ишсизлик даражаси 5,9 фоиздан 4,9 фоизгача, камбағаллик даражаси эса 9,6 фоиздан 6,5 фоизгача камайган. 60 та маҳалла камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланган. 53,7 минг оила камбағал оилалар реестридан чиқарилган.



КЎНГИЛОЧАР ВА МАДАНИЙ ҲОРДИҚ МАСКАНЛАРИ СОНИ КЎПЯДИ

Янги Тошкентда қарийб **8 ГЕКТАРДАН** иборат майдонда муסיқали фаввора мажмуаси барпо этиш режалаштирилган.

Лойиҳага кўра, сув юзасининг умумий майдони **6,3** гектарни ташкил қиладиган ҳавзада **1,5** гектар майдонда сув, муסיқа ва ёруғлик уйғунлигидаги шоуларни ўтказиш имконини берадиган фаввора барпо этилади.

Радиуси **185 метрлик** фаввора тўлиқ доира шаклидаги сув экранида турли тасвирларни намойиш этади.

Шунингдек, юқори қувватли лазер нурлари, динамик сув композициялари ва турли визуал эффектлардан фойдаланилади.

Суперфавворада сув **232 МЕТР**га кўтарилади ва диаметри **100 МЕТР**ли сузувчи платформа ҳосил бўлади.

ТОЗА ҲАВО УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ!

ҚАШҚАДАРЁДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ ШАКЛАНТИРИЛЯПТИ?

“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш”, “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш”, “Маҳалла лойиҳаси”, “Бизнесга биринчи қадам” дастурлари доирасида 73,2 минг аҳоли 2,9 трлн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига даромадли меҳнат билан банд қилинган.

Вилоятдаги жами 46 та маҳаллага, жумладан, 14 та тумanning ҳар биридан 2 тадан маҳалла ҳамда қўшимча равишда туман (шаҳар)лар ҳокимлари тақлифига кўра 16 та ва вилоят ҳокими ташаббуси билан 2 та маҳаллага “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган.

Ушбу ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида тасдиқланган “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурига мувофиқ йўл инфратузилмасини созлашга 46 млрд. сўм, электр таъминотини яхшилашга 20,2 млрд. сўм, ичимлик ва оқова сув таъминоти ишлари 5,1 млрд. сўм, суғориш тизими таъмирини 17,7 млрд. сўм, ободонлаштириш ва кўкчаларни яхшилашга 33,6 млрд. сўм ҳамда 22 та ижтимоий соҳа объектида қуриш-таъмирлаш ишларини бажариш учун

16,5 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида вилоятда 421 та тадбиркорлик субъекти ва 790 та янги иш ўрни очилди, 11 та лот “e-auction” ва 1 044 та лот “k-savdo” платформалари орқали аукционга чиқарилиши ҳамда бюджетга қўшимча 8 млрд. сўм тушум таъминланиши мақсад қилинган.

Муҳокама жараёнида йўл қўйилган камчилик ва муаммоларга ҳамда ишга солиниш имкониятларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, айрим лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, маҳалла маркази учун мастер-режаларни ишлаб чиқиш ишлари ортада қолаётгани ҳамда инфратузилма билан боғлиқ долзарб масалалар тўлиқ ҳал этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан ўз тавсияларини билдирди.

Мажлис якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ Навоий вилоятида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганганини хабар қилган эди. Унда ишчи гуруҳ “Навоий азот” ҳамда “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятлари фаолияти билан яқиндан танишгани ҳақида маълумот берилган эди.

Муҳокама

Ишчи гуруҳ ўрганишларидан сўнг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида вилоятда атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Ташкилланганидек, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда атмосферага чиқаришган ташламалар ҳажми 2024 йилдагига нисбатан 2,1 фоиз камайган. Вилоятдаги 736 та корхонанинг атмосферасини ифлослантирувчи манбалари хатловдан ўтказилиб, 340 тадан ортик меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

“Тоза ҳаво” тадбирларида 8 миңдан ортик автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатилиши натижасида атмосфера ҳавосига 257 тонна ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг олди олинган.

Идоралараро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, атмосфера ҳавосига зарарли ташламалар ташланганининг олдини олишга қаратилган назорат тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори билан 2026-2027 йилларда Навоий шаҳри ва унга туташ ҳудудларда экологик вазиятни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Қўшма ййгилишда амалга оширилган ишлар эътироф этилгани ҳолда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилгани танқид остига олинди. Хусусан, баъзи корхоналарда ўрнатилган автоматик мониторинг станциялари ҳамда уларга туташ ҳудудлардаги стационар қурашув пунктлари Экология ва иқлим ўзгариш миллий қўмитасининг электрон платформасига интеграция қилинмаган.



Айрим корхоналар экологик талабларни бажармасдан фаолият юритмоқда, топширилган ҳисоботларда атроф-муҳитга етказилган зарарларни камайтириб кўрсатилмоқда, барча туман ва шаҳарларда автоматлашган кичик станциялар ўрнатиш ишлари ортада қолган.

Сенаторлар ўз чиқишларида давлат экологик назоратини кучайтириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги 95 фоиздан, шунингдек, янги фойдаланишга топширилаётган

корхоналарда эса 99,5 фоиздан паст бўлмаган чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилишини назоратга олиш, атроф-муҳит ифлослини даражасини прогност қилиш ва мониторингини юритиш лозимлиги юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг ифлосланишининг олдини олишни таъминлашда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлиги ҳам ташкилланди.

Муҳокама якунида тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор сўровига жавоб

МАҚСАД – ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Кобулжон Турсунов Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ипотека кредитлари бўйича субсидия ажратиш механизмининг такомиллаштиришга оид сенатор сўрови юборган эди. Вазирлик ташкил олган масалалар юзасидан сўровга жавоб берди.

Унда қайд этилишича, мамлакатда аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бозор тамойилларига асосланган ипотека тизими изчил ривожлантирилмоқда. Сўнгги йилларда уй-жойлар сотиб олишда ўн миңлаб фуқароларга ипотека кредитлари ва субсидия маблағлари ажратилган.

Вазирлик томонидан сенатор сўровида кўтарилган масалалар атрофлича қўриб чиқилгани ва субсидия маблағларини иқтисодиёт уй-жой бозорига йўналтириш иқтисодий жиҳатдан самарасиз экани тасдиқланган. Давлат бюджети маблағларини янги уйлار қурилишини рағбатлантириш, бандликни ошириш ва реал секторни ривожлантиришга йўналтириш фойдалор экани қайд этилган.

Шу билан бирга, субсидия хабарномаси амал қилиш муддатининг аввалги 12 ойдан 4 ойга қисқартирилгани фуқароларни кенг-роқ қамраб олиш ва маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида амалга оширилгани билдирилган. Янги қурилаётган уйлар

билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида эса 2026 йилдан ипотека омонати тизимини ишга солиш режалаштирилгани маълум қилинган.

Шунингдек, ипотека кредитлари максимал миқдори 15 фоизга оширилиб, Тошкент шаҳрида 480 млн. сўм, вилоятларда эса 380 млн. сўм этиб белгиланган. Субсидия ажратиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилиб, аризаларни қўриб чиқиш инсон омилсиз амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, субсидия олувчилар қаровини кенгайтириш мақсадида Давлат бюджет иқтисодиёт қўшимча маблағлар ажратилаётгани, педагоглар ва тиббиёт ходимлари учун алоҳида қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилаётгани маълум қилинган.

Жавобда таъкидланишича, ипотека тизимини янада такомиллаштириш, уй-жой билан таъминлаш кўламини кенгайтириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

«Халқ сўзи».

ХАВФСИЗ МУҲИТ – ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси А. Эшмуратов ҳамда Адлия вазири А. Тошқулов бошчилигидаги ишчи гуруҳ пойтахтнинг Яшнобод туманида маҳалларда хавфсиз муҳитни яратиш ҳамда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганди.

Ўрганиш

Ишчи гуруҳ томонидан савдо объектлари, умумий овқатланиш масканлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда аҳоли гажум бўладиган бошқа жамоат жойларида ўрнатилган “ташвиш тугмалари”нинг техник ҳолати, уларнинг зулусиз ишларини таъминлаш даражаси ҳамда тезкор хизматлар — ички ишлар органлари, тез тиббий ёрдам ва фуқароларда вазиятлар хизматлари билан интеграцияси атрофлича ўрганилди.

Шу билан бирга, ушбу техник воситаларнинг реал ҳолатда ишлаш самарадорлигини, улар орқали келиб тушаётган мурожаатларга тезкор жавоб қайтариш тизими, сигналларни қабул қилиш ва қайта ишлаш механизмлари, шунингдек, масъул ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик даражаси таҳлил этилди.

Ўрганишлар давомида айрим объекتلарда техник носозликлар, қурилмалар самарадорлигининг пастлиги ҳамда фуқаролар ва ходимларнинг улардан фойдаланиш бўйича хабардорлиги етарли эмасли-

ги каби камчиликлар аниқланди. Улар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлик ҳамда масъул ташкилотлар вакилларига манзилли кўрсатмалар берилди. Жумладан, техник воситаларни таъмирлаш ва модернизациялаш, замонавий хавфсизлик тизимларини жорий этиш, “ташвиш тугмалари”ни ягона диспетчерлик тизимига интеграция қилиш ҳамда масъулларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, маҳалларда “хавфсиз ҳудуд” тамойилига тўлиқ ўтиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаролар иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ишчи гуруҳ томонидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида келгусида ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини кўтариш, жиноятчиликни камайтириш ҳамда аҳоли учун хавфсиз ва қулай яшаш муҳитини яратишга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР МАСЛАҲАТ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛЛАШАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатиди халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари ҳузурдаги Ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Унда вазирлик ва идоралар масъуллари, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг Ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссиялари ҳамда Ёшлар маслаҳат гуруҳлари аъзолари қатнашди.

Тадбир давомида ёшларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолиятини самарадорлигини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнида фаол жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Март ойида халқаро таърифи ва миллий амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, “Юқалиш” ҳаракати ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

вакиллари томонидан ёшлар иштироки ва уларни қарор қабул қилиш жараёнида жалб этиш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг Ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссиялари ҳамда Ёшлар маслаҳат гуруҳлари аъзолари билан фикр алмашилиб, жойларда навқирон авлод билан боғлиқ мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Тадбир якунида Ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг институционал салоҳиятини кучайтириш ҳамда йигит-қизларнинг жамоатчилик бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бу билан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига биноан олиб чиқилган фуқаролар ва махсулотлар экспортига доир рухсатнома бериш тартибини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда. Шунингдек, лойиҳа билан лицензиялаш ва рухсат бериш йўналишидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга қўлланиладиган жарималар рўйхатидан экспортга оид чекловлар чиқариб ташланмоқда.

— Мазкур қонун лойиҳасини ойдан муҳокама қилдик, — дейди фракция аъзоси Дилмурод Ортиқов. — Унда белгиланаётган нормалар махсулотлар экспортини кенгайтириш, экспортдаги мавжуд чекловларни бартараф этиш, рақобат ва оқиб бозор муҳитини яратишга йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди.

— Мазкур қонун лойиҳасини ойдан муҳокама қилдик, — дейди фракция аъзоси Дилмурод Ортиқов. — Унда белгиланаётган нормалар махсулотлар экспортини кенгайтириш, экспортдаги мавжуд чекловларни бартараф этиш, рақобат ва оқиб бозор муҳитини яратишга йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди.

— Мазкур қонун лойиҳасини ойдан муҳокама қилдик, — дейди фракция аъзоси Дилмурод Ортиқов. — Унда белгиланаётган нормалар махсулотлар экспортини кенгайтириш, экспортдаги мавжуд чекловларни бартараф этиш, рақобат ва оқиб бозор муҳитини яратишга йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди.

— Мазкур қонун лойиҳасини ойдан муҳокама қилдик, — дейди фракция аъзоси Дилмурод Ортиқов. — Унда белгиланаётган нормалар махсулотлар экспортини кенгайтириш, экспортдаги мавжуд чекловларни бартараф этиш, рақобат ва оқиб бозор муҳитини яратишга йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди.

— Мазкур қонун лойиҳасини ойдан муҳокама қилдик, — дейди фракция аъзоси Дилмурод Ортиқов. — Унда белгиланаётган нормалар махсулотлар экспортини кенгайтириш, экспортдаги мавжуд чекловларни бартараф этиш, рақобат ва оқиб бозор муҳитини яратишга йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди. Ушбу ҳужжат партияимиз фойдаланишига йўл очди.

Қонун лойиҳаси суғурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида истеъмолчиларни кенг қамровли ва ишончли ахборот билан таъминлаш орқали уларнинг бу хизматлардан фойдаланишида қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолида эса суғурта хизматларига ишончли орттиришни назарда тутди.

Фракция аъзоси Қозим Тоҳиев ушбу қонун лойиҳасига муносабат билдириб, уни ишлаб чиқишга асослар етарли бўлганини, мақсад ва фойдалар эзгу эканини таъкидлади. Шу билан бирга, суғурта компанияларининг ўзларига ҳам фаолият рекламаси билан бирга тарғиботини ҳам олиб бориш мажбуриятини юклаган тақлифни илгари суриди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Ҳаётий масалалар муҳокамаси

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ййгилишида давлатимиз раҳбарининг тақлифига биноан Тоҳиқон Республикаси Президентининг мажлисига давлат таширфининг якунлари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ушбу таширф нафақат мамлакатлар-

сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ургуланди.

Ййгилишда қўриб чиқилган навбатдаги масала — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиянинг мажбуриятларини аниқ белгилаш, жамғарма томонидан сарфланган маблағларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво қилишда давлат божини тўлашдан овоз қилишни назарда тутувчи нормани киритиш тақлиф этилмоқда. Шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибини соддалаштириш ҳамда муддатларни қисқартириш белгиланмоқда. Хусусан, бундай ҳужжатлар лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси муддатини 10 кун қилиб белгилаш, 5 кун ичида тақлиф келиб тушмаган тақрирда лойиҳани ҳуқуқий экспертизага киритиш имкониятини бериш, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини эса 20 кунга қисқартириш тақлиф этиляпти.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тай-

Айтиш жоизки, унда назарда тутилаётган нормалар ислохотлар самарадорлигини ошириш, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетидан стипендиялар учун ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишига хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Шўҳрат Ўқубов.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ташаббусли бюджет — муаммоларни манзилли ҳал этиш имконияти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида, аввало, депутатларнинг март ойида сайлов округларида олиб борган фаолияти якунлари ҳамда ташаббусли бюджет доирасида яратилган имкониятлар таҳлил қилинди.

Янги тартибга кўра, 2026 йилдан бошлаб, ҳар бир депутат ўз сайлов округида аҳоли учун долзарб бўлган, аммо аввал ғолиб топилмаган иккита лойиҳани танлаб, “Оқиб бюджет” ахборот портали орқали уларни молиялаштириш имкониятига эга бўлмоқда. Бу амалиёт жойлардаги ижтимоий муаммоларни манзилли ҳал этиш, аҳоли ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида айтилди.

Фракция етакчиси Улуғбек Иноятовнинг таъкидлашича, Президентнинг ташаббусли бюджет жараёнидаги такомиллаштиришга қаратилган, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз электорати билан ҳамкорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги сиёсий қарори алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу парламент фаолиятида янги ва самарали босқиччи бошлаб берди.

Ййгилишда сўзга чиққан депутатлар амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Сайлов округларидаги муаммоларни ҳал этишда ташаббусли бюджет жараёнидаги муҳим механизм бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди фракция аъзоси Фирдавс Шарипов. — Масалан, биз қўриб чиққан 24 та лойиҳанинг асосий уларни таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва инфратузилмани яхшилашга қаратилган. Айниқса, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, йўл ва ирригация соҳалари аҳоли учун энг долзарб йўналишлар бўлиб қолмоқда. Янги тартиб эса етарли овоз тўплай ол-



маган, аммо аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Бу жараён нафақат муаммоларни ҳал этиш, балки депутат ва сайлов округидаги мулоқотни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Фракция аъзоси Сайёра Имомова ҳам ташаббусли бюджет доирасида амалга оширилган ишлар самарасига тўхтади: — Айрим ҳудудларда болаларнинг мактабга боришида хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар мавжуд эди. Пиёдалар йўлақлари етарли эмаслиги сабабли отаналар хавотирда бўларди. Шу масала ташаббусли сифатида илгари суриб, деярли тўлиқ ҳал қилишга эришдик. Бу каби амалий ишлар аҳолининг давлат идораларига ишончини оширади, — дейди депутат.

Ййгилишда мазкур механизмни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ҳам илгари сурилди. Хусусан, фракция аъзоси Шарофиддин Назаров лойиҳаларини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолияти ва масъулиятини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — “Реклама тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Лойиҳада суғурта хизматларини оммалаштириш ва аҳолининг ушбу соҳага ишончини оширишга қаратилган нормалар назарда тутилган.

Депутат Одиложон Иминов мазкур масала юзасидан фикр билдириб, аҳолининг суғуртага ишончини ошириш учун фақат битта қонун доирасида ўзгариш киритиш етарли эмаслигини, бу борада тизимли ёндашув талаб этилишини айтди.

Яқинда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Президентимиз қарорига кўра, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида «Сурхон-Агро» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилади.

Акс садо

МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ДЎСТЛИК

Амалий натижаларга эътибор қаратсак, икки давлат раҳбарлари иштирокида 10 та йирик қўшма лойиҳага старт берилди. Булар sanoat, tūkimachilik, oziq-ovqat, qurilish va maishiy texnika каби soҳalarни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Мазкур келишувлар ҳамкорликнинг декларатив эмас, балки реал иқтисодий мазмунга эга эканини кўрсатади.

Савдо-иқтисодий муносабатларга тўхталадиган бўлса, Тожикистон Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан бири ва мамлакатимизда етиштирилган тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш учун истиқболли бозор ҳисобланади. Бунда Тожикистон билан умумий чегаранинг мавжудлиги, ривожланган транспорт инфратузилмаси, экспорт юқларини яқин масофага ет-

казиб бериш имкони муҳим омил саналади ва бу транспорт харажатларини нисбатан камайтириб, экспорт ҳажмини ошириш учун қулай шароит яратлади.

Бундан ташқари, олий даражадаги учрашувларда икки давлат ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар тўплами ҳам имзоланди. Улар иқтисодий, sanoat, sogliqни қамраб олиш ва саноат ва туризм каби қатор соҳаларни қамраб олди. Хусусан, товар айирбошлашни ошириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастурлари, электрон сертификатлаштириш ва "электрон рухсатномалар" тизимларини жорий этиш, шунингдек, инвестиция компанияси фаолиятини кенгайтириш бўйича келишувлар амалий аҳамиятга эга. Шу билан бирга, 2026 —

2028 йилларга мўлжалланган саноат, инновация, агросаноат, туризм ва маданият соҳаларидаги "йўл хариталари" ҳам тасдиқланди.

Икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайдиган яна бир жиҳат — парламентлараро муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиб, мазмунан янада бойиб бораётганидир. Хусусан, Ўзбекистон парламентини ривожлантириш Тожикистонда ўтказилган парламент ва президентлик сайловларида МДХ ҳамда ШХТ миссиялари таркибидан халқроқ кузатувчи сифатида иштирок этиши ўзаро ишонч, очиклик ва демократик жараёнларни



қўллаб-қувватлашга қатъий ёндашувни тасдиқлайди.

2025 йил давомида парламентлар раҳбарияти даражасида дўстлик гуруҳлари ҳамраисларининг учрашувлари ва музокаралари ўтказилиб, қўмиталар ҳамда доимий комиссиялар ўртасида мунтазам онлайн маслаҳатлашувлар ташкил этилди. Бу жараёнлар қонунчиликни уйғунлаштириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ягона ёндашувларни шакллантириш ва парламент дипломатиясини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари бугунги кунда Марказий Осиёдаги барқарор ва тез ривожланаётган ҳамкорлик моделларидан бирига айланмоқда. Энг муҳими, бу алоқалар икки биродар халқ манфаатига хизмат қилмоқда.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқроқ муносабатлар, таълим
иқтисодий алоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Хорижий экспертлар Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга давлат таширфи яқунларини икки мамлакат стратегик шериклигини институционаллаштириш ва минтақада кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам, деб баҳоламоқда.

Сюй ТАО,
Хитой Давлат кенгаши ҳузурдаги Евроосиё ижтимоий ривожланиш институти директори ўринбосари:

— Хитой эксперт-тахлил доираларида Тожикистон Президентини Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат таширфи Марказий Осиёдаги давлатларнинг икки мувофиқлашуви мустаҳкамлаш йўлининг изчил ривожланиши сифатида қаралмоқда. Бу ўринда гап Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ва институционал ўзаро ҳамкорлик форматларига ўтиши билан боғлиқ кенроқ минтақавий динамиканинг намён бўлиши ҳақида бормоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари сўнгги йилларда ривожланиш ва хавфсизлик масалалари бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишга интилишларини намойиш этмоқда, бу эса минтақа ичида ҳам, таълим ҳамкорлари билан ҳам алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратмоқда.

Хозирги босқич Хитойда бутун минтақавий муҳит сифат жиҳатдан ўзгаришининг кўрсаткичи сифатида қараладиган амалий ҳамкорликка ўтиш билан тавсифланади. Қайд этилишича, ушбу трансформация узок мuddатли истиқболга йўналтирилган барқарор шериклик механизми билан мустаҳкамлаш учун замин яратлади.

Иқтисодий йўналишда Ўзбекистон — Тожикистон **Александр ВОРОБЬЁВ,**
Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими, Жамоатчилик
дипломатияси ва жаҳон сийосатини таҳлил қилиш маркази директори, Россия халқроқ
ишлар кенгаши эксперти:

— Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар натижаларини икки мамлакат муносабатларида ўта муҳим деб баҳолаш мумкин, чунки таширфи давлат таширфи мақомига эга эди. Бир томондан, Президент Эмомали Раҳмоннинг таширфи Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги вақтда эришилган чуқур характерини таъкидлади. Тошонлар, асосан, расмий Тошкент ва шахсан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаол позицияси туфайли кўп нарсага эришди.

Бошқа томондан, ушбу таширфи икки томонлама муносабатларини, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий алоқаларни янада жадаллаштиришга янги ва жиддий туртки берди, гарчи томонлар сиёсий мулоқот ва хавфсизлик соҳасидаги мулоқотни унутмаган бўлсалар-да.

Биринчидан, икки томонлама муносабатларнинг янада институционаллашуви юз берди —

Саид Холид Амр ЖАФРИ,
Жанубий Осиё таҳлили ва халқроқ тадқиқотлар маркази директори (Покистон):

— Ушбу таширфи нафақат Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги интеграция жараёнларини янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш нуктаи назаридан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида гидроэнергетика ва сув ресурсларини бошқариш масалалари бўйича мулоқотни изчил чуқурлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Шуниси эътиборга лойиқки, бир неча йил олдин маълум зиддиятларни келтириб чиқарган мавзуда бугунги кунда конструктив ва ўзаро манфаатли тарзда ҳал этилмоқда. Бу минтақада ўзаро ишонч даражаси сезиларли ўсаётганидан далolat беради ва Марказий Осиёнинг барқарор тараққиётини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамкорликнинг самарали институционал механизми шакллантиришга хизмат қилади.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши Покистон учун шимолӣ йўналишда янги транзит ва савдо имкониятларини очди. Хусусан, Марказий ва

кистон ҳамкорлигини чуқурлаштириш минтақанинг ўзаро боғлиқлигини кенгайтиришга хизмат қилиши, инфратузилма ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар очилиши таъкидланган.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида янада яқин алоқаларни шакллантириш транспорт йўлаклари ва энергетика кооперациясини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратлади. Бу Хитойнинг "Бир мандал, бир йўл" ташаббусини илгари суришдаги манфаатларига мос келади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Хитойнинг сезиларли транзит салоҳиятига эга минтақадаги асосий ҳамкорларидан бири сифатида қаралади, Тожикистон эса минтақанинг энергия конфигурациясида муҳим бўғин ҳисобланади.

Умуман олганда, Хитой томони Ўзбекистон — Тожикистон мулоқотининг ривожланишини барқарорликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қиладиган ижобий ва узок мuddатли аҳамиятга молик тенденция сифатида баҳолайди.



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК — ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги глобаллашув даврида давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч, стратегик шериклик ва яхши кўшничлик муносабатлари ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу маънода, Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга амалга оширган давлат таширфи икки томонлама алоқаларда янги саҳифа очган муҳим воқелик сифатида баҳоламоқда.

Айтиш жоизки, таширфи икки қардош халқ ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик ҳамда ўзаро ҳурмат ришталарини сифат жиҳатдан мутлақо юқори босқичга кўтарди. Хусусан, таширфи доирасида Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди ва қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Кенг қамровли ҳамкорлик йўналишида янги истиқболли лойиҳалар муҳокамаси бўлиб ўтгани, уларни амалиётга жорий этиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинган эътиборга лойиқ.

Икки давлат раҳбарлари иштирокида қатор йирик қўшма sanoat лойиҳалари, жумладан, Тожикистонда меъёри ва чарм sanoati корхоналарини ташкил этиш, маиший техника ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тўқимачилик кластерларини барпо қилиш, Ўзбекистонда эса озиқ-овқат ва қайта ишлаш sanoatини ривожлантиришга қаратилган янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилгани нафақат иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, балки янги иш ўринлари яратиш, худудлараро интеграцияни мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Статистик маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йил яқунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. долларга яқинлашди, хозирда мамлакатимизда Тожикистон сармоясини иштирокидаги 500 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Музокараларда ўзаро савдо ҳажми 2 млрд. долларга етказиш бўйича аниқ вазифалар ҳамда бу мақсадга эришиш учун "Ойбек — Фотиҳобод" чегараолди савдо марказини барпо этиш, маҳсулотларни сертификатлаш ва "Е-Пермит" рақамли тизимларини жорий қилиш каби амалий механизмлар белгилаб олинди.

Айниқса, таширфи давомида старт берилган 10 та йирик лойиҳа, жумладан, Тожикистонда маиший техника ва тўқимачилик қувватларини

барпо этиш, Андижонда сут маҳсулотлари, Сурхондарёда эса металл брикетлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби ташаббуслар маҳаллий бюджет тушумларини кўпайтирди ва янги иш ўринлари яратилди. Музокаралар жараёнида минтақавий кун тартиби, сув ва энергетика хавфсизлиги масалаларига устувор аҳамият қаратилди. "Яшил" энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш ҳамда сув ресурсларини бошқаришда рақамли тизимларни жорий этиш бўйича эришилган келишувлар бутун Марказий Осиё барқарорлиги учун хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир муҳим жиҳат, давлат раҳбарларининг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигини

“ Статистик маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йил яқунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. долларга яқинлашди, хозирда мамлакатимизда Тожикистон сармоясини иштирокидаги 500 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. ”

фаоллаштириш бўйича қатъий иродаси бугунги мураккаб геосийосий вазиятда минтақамизнинг ташқи таҳдидларга нисбатан барқарорлигини таъминлашда муҳим таянч бўлади. Шу билан бирга, таширфи доирасида транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, сув-энергетика хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат кооперациясини кенгайтириш масалаларига ҳам устувор эътибор қаратилдики, бу пировардида Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва минтақавий интеграцияни таъминлаш йўлида муҳим қадамдир.

Олий давлатлараро кенгаши йиғилишида таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маданий-гумани-

тар алоқалар, хусусан, таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам жиддий ёндашилгани халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Фанлар академиялари ўртасидаги битим ҳамда 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган инновациялар соҳасидаги чора-тадбирлар режа-си олий таълим муассасалари ўртасида илмий тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлаш борасидаги интеграцияни амалга оширишда муҳим қадам бўлади.

Таълим соҳаси нуктаи назаридан қаралганда, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайтириш олий таълим муассасалари зиммасига ҳам катта масъулият юқлайди. Бугунги кунда ёш авлоднинг кенг дунёқарашли, замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар сифатида тарбиялаш учун минтақавий ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорликда замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва тажриба алмашинувини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Бухоро замани эса ушбу тарихий таширфининг муҳим манзилларидан бири сифатида алоҳида ўрин тутди. Давлат раҳбарларининг шариф шаҳарга таширфи, тарихий обидаларни зиёрат қилиши ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишиши ўзига хос рамзий маънога эга. Тарих ҳамда замонавий таълим ва инновацион ривожланишнинг уйғунлигини яққол намён этади.

Умуман, Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга таширфи икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаб, келажақда кенг қўламли ҳамкорлик лойиҳаларининг амалга оширилишига мустаҳкам замин яратди. Эришилган келишувлар ҳамда режалаштирилаётган лойиҳалар эса яқин истиқболда ўзининг амалий натижаларини бериши билан қимматлидир.

Баҳодир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика институти ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

OLMALIQ DAVLAT TEXNIKA INSTITUTI

vakant (bo'sh) professor-o'qituvchilar lavozimlariga tanlov e'lon qiladi

KONCHILIK FAKULTETI

- Konchilik ishi kafedrası: dotsent (4), katta o'qituvchi (3), assistent (3);
- Konchilik elektr mexanikasi kafedrası: dotsent (2), katta o'qituvchi (3);
- Umumkasbiy va iqtisodiy fanlar kafedrası: kafedra mudiri, dotsent (4), katta o'qituvchi (1), assistent (1);
- Ijtimoiy-gumanitar fanlar va tillar kafedrası: kafedra mudiri, dotsent (4), katta o'qituvchi (6), assistent (8).

ENERGETIKA VA MASHINASOZLIK FAKULTETI

- Mashinasozlik texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri, dotsent (3), katta o'qituvchi (5), assistent (3);
- Texnologik mashinalar va jihozlar kafedrası: kafedra mudiri, dotsent (3) katta o'qituvchi (5), assistent (3);
- Elektr texnikasi va elektr mexanikasi kafedrası: kafedra mudiri, dotsent (2), katta o'qituvchi (2), assistent (1).

METALLURGIYA VA KIMYOVIY TEXNOLOGIYALAR FAKULTETI

- Metallurgiya kafedrası: kafedra mudiri, dotsent (4), katta o'qituvchi (5), assistent (1);
- Kimyoviy texnologiyalar kafedrası: kafedra mudiri, professor (3), dotsent (5), katta o'qituvchi (2);
- Matematika va tabiiy fanlar kafedrası: dotsent (5), katta o'qituvchi (1), assistent (6).

Tanlovda ishtirok etishni xohlovchilar rektor nomiga ariza bilan kadrlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa, diplomlar va attestatlar nusxalari, ilmiy ishlar va ixtirolar ro'yxati, malaka oshirganchilik to'g'risida hujjatlar nusxalarini topshiradi. Arizalar e'lon chop etilgan sanadan boshlab bir (1) oy muddatda qabul qilinadi.

Eslatma: mazkur institutda ishlovchi shaxslar o'tgan muddat bo'yicha kafedrada hisobot beradi, tanlovda ishtirok etuvchilar sinov darslari o'tadi.

Manzilibiz: Toshkent viloyati, Olmaliq shahri, Mirzo Ulug'bek ko'chasi, 45-uy, Olmaliq davlat texnika institutining bosh binosi, xodimlar bo'limi. Telefonlar: +99894 407 01 72, +99894 427 62 72.

GEOLOGIYA FANLARI UNIVERSITETI

QUYIDAGI LAVOZIMLARGA TANLOV E'LON QILADI:

- Umumiy geologiya kafedrası**
professor – 1 nafar;
dotsent – 1 nafar;
katta o'qituvchi – 1 nafar.
- Mineral resurslar geologiyasi kafedrası**
professor – 1 nafar;
dotsent – 1 nafar;
katta o'qituvchi – 1 nafar.
- Konchilik ishi va texnologiyalar kafedrası**
dotsent – 1 nafar;
katta o'qituvchi – 1 nafar.
- Ekologiya va gidrogeologiya kafedrası**
kafedra mudiri;
dotsent – 2 nafar.
- Sun'iy intellekt va tabiiy fanlar kafedrası**
kafedra mudiri;
dotsent – 1 nafar;

katta o'qituvchi – 1 nafar.

6. Iqtisodiyot va menejment kafedrası
kafedra mudiri;
dotsent – 1 nafar;
katta o'qituvchi – 1 nafar.

Tanlovda ishtirok etadigan nomzodlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:

- Universitet rektori nomiga ariza;
- Xodimlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa (ma'lumotnoma);
- Oliy ma'lumoti to'g'risidagi diplomlar nusxasi;
- Ilmiy daraja va ilmiy unvon to'g'risidagi diplomlar (attestatlar) nusxasi;
- Ilmiy ishlar ro'yxati (so'nggi 3 yil);
- Malaka oshirganchilik to'g'risida hujjatlar nusxasi.

Hujjatlar e'lon chop etilgan sanadan boshlab 1 oy muddatda qabul qilinadi.

Manzil: 100164, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Olimlar ko'chasi, 64-uy. Tel.: 71-209-10-75.

